*“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил 15 декабрдаги 01-02-17/5152-сонли хатига Илова*

## “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил учун монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш юзасидан ҲИСОБОТИ

| Т.р. | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Бажарилган ишлар |
|---|---|---|---|
| **1.** | Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатиши учун ваколатли бўлим тайинлаш | Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 114-сонли қарори талаблари асосида Ваколатли бўлим тайинлаш.<br><br>Вазирлар Маҳкамасининг “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 2 мартдаги 114-сон қарорига асосан Низом ишлаб чиқиш.<br>Ваколатли бўлинма томонидан ишлаб чиқилган монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил этишда ички Низом билан жамият бошқарув аппарати ва ходимларни таништириш. | “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 2 мартдаги 114-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти монополияга қарши комплайнс бўйича ваколатли бўлинма 2021 йил 29 октябрдаги “Ўзбекистон электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Бошқаруви раисининг 463-сонли буйруғи билан тасдиқланди.<br><br>Жорий йилда “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида “Монополияга қарши қонунчилик ва унга амал қилиш” мавзусига доир ўқув веб семинар-тренинг ўтказилди. |
| **2.** | Рақобат қонунчилигига кири-тилаётган ўзгаришларни ўрганиб бориш, шунингдек, қонунчиликка киритилган ўзгартиришлардан | Тизимли равишда рақобат қонунчилигига киритилаётган ўзгаришларни ўрганиб бориш. | 2023 йилнинг январ ва декабр ойларида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида “Монополияга қарши қонунчилик ва унга амал қилиш” мавзусига |

| Т.р. | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Бажарилган ишлар |
|---|---|---|---|
| | келиб чиқиб, идоравий ҳужжатларни мувофиқлаштириш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш | | доир ўқув веб семинар-тренинг ўтказилди. |
| **3.** | Монополияга қарши компла-енснинг асосий кўрсаткичларига эришиш | Жамиятда рақобат қонунчилиги талаблари ўрнатилган ёки бузилиши мумкин бўлган соҳаларни таҳлил қилиш. | Мувофиклик тизими (комплаенс) хизмати томонидан Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш стратегияси ва Корпоратив этика кодексига асосан контрагентларни коррупция ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатлар тўғрисида маълумот мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда. |
| **4.** | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши хавфини камайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши | Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (OSCE) томонидан корпоратив бошқарув ва монополияга қарши комплаенс тизимини умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш имкониятини амалда қўллаш бўйича лойиҳани амалга ошириш | “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда, ўтган давр давомида коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган 10 дан ортиқ ички-меъёрий ҳужжатлар, коррупция рискларини камайтириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.<br>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ “Cert international” халқаро сертификатлаш органи томонидан тегишли аудитдан ўтказилиб, ISO 37001:2016 бўйича халқаро сертификат олинган. |
| **5.** | Рақобат тўғрисидаги қонун бузилиши хавфини баҳолаш натижалари | Охирги 3 йил давомида Монополияга қарши орган томонидан ўтказилган текширишлар, аниқланган қоидабузар-ликлар, берилган тақдимномаларни ўрганиш.<br>Улгуржи истеъмолчилар томонидан рақобатни чекловчи ёки Жамият устун мавқеъини суистеъмол қилиши мумкин | “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти “Коррупция хавфини аниқлаш ва баҳолаш Методология”си, “Хатарлар ва имкониятлар, манфаатдор томонлар Талаблари” тасдиқланди.<br>Монополияга қарши комплаенс тизими бўйича етказиб берувчилар тўғри танланганлиги ва харид жараёни Коррупция хавфини аниқлаш ва баҳолаш |

| Т.р. | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Бажарилган ишлар |
|---|---|---|---|
| | | бўлган мурожаатларни ўрганиш.<br>Ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида қонунчилик бузилиши мумкин бўлган соҳаларни хавфлар таснифи асосида тақсимлаш. | Методология"си, "Хатарлар ва имкониятлар, манфаатдор томонлар Талаблари"га асосан мунтазам таҳлил қилинмоқда. |
| **6.** | Монополияга қарши қонунчилик бузилишининг олдини олиш. | Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётида (мониторинг ва таҳлил қилиш натижасида) аффилланган шахсларнинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган таъсисчиларни вертикал келишувларга йўл қўймаслик.<br><br>Монопол турдаги маҳсулот етказиб беришда, олишда бир ёки бир неча субъектга преференция ёки имтиёз бериш ҳолатларини ўрганиб бориш, вертикал келишувларга йўл қўймаслик.<br><br>Бошқа ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро муносабатларни монополия қонунчилиги жиҳатидан тартибга солиб бориш, горизонтал келишувларга йўл қўймаслик.<br><br>Монопол турдаги маҳсулотнинг нархи шакллантирилишини таҳлил қилиб бориш<br>Жамиятнинг расмий веб-саҳифасида, "Рақобат чекланиши тўғрисида хабар бер" интерактив тугмачани яратиш, келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб бориш. | Жамиятда бизнес ҳамкорлар билан шартномавий ҳаракатларни амалга оширишда уларнитп фаолиятини ўрганиш ва шартномада махсус коррупцияга қарши қўшимча шартлар банди жорий қилинди.<br>Коррупцияга ва монополияга қарши курашиш органи билан телефон рақами +998 71 -208-56-49) электрон почта (biznesetika@uzbekistonmet.uz), телеграмм t.me/uzmetaxborotxizmati), веб-сайти (https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/category/55) орқали янги лойиҳа ва таклифлар бўйича ахборот алмашишга йўлга қўйилди.<br>Жамиятнинг расмий веб-саҳифасида, "Коррупцияга қарши курашиш" "Рақобат чекланиши тўғрисида хабар бер" саҳифаси бўйича келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиб бориш ва мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш журнали жорий этилди. |

| Т.р. | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Бажарилган ишлар |
|---|---|---|---|
| **7.** | Жамият аппарати ходимлари орасида “Монополияга қарши қонунчилик ва унга амал қилиш” мавзусида семинар ўтказиш | Жамият аппарати ходимлари орасида масофавий шаклда рақобат қонунчилиги ва унинг бузилиш эҳтимоллари ҳамда унга киритилаётган ўзгаришлар, янгиликлар тўғрисида семинар-тренинг машғулотларини ўтказиш. | Ҳисобот даврида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида “Монополияга қарши қонунчилик ва унга амал қилиш” мавзусига доир ўқув веб семинар-тренинг ўтказилди. |
| **8.** | Монополияга қарши компла-енс фаолиятининг самарадорлиги-ни бахолаш учун асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш. | Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида маҳсулот олувчилар билан тузилган намунавий шартномаларни ўрганиб чиқиш.<br><br>Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан сотиб олинадиган товарлар ва хизматларни биржа савдоларидан сотиб олиш ҳолатини таҳлил қилиш.<br><br>Аниқланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузиш ҳолатлари (масалан, товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришига тўсиқлар қўйиши)ни мониторинг ва таҳлил қилиш<br><br>Аниқланган монополияга қарши қонунчилик бузилишлари ҳолатлари юзасидан Жамият бошқаруви раисига билдирги тайёрлаб киритиш. | Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида маҳсулот олувчилар билан тузилган намунавий шартномаларни ўрганиб чиқиш жорий қилинди, Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан улгуржи электр энергиясини сотиш учун тузилган шартномаларда рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш жиҳатидан ўрганиб борилди.<br>Аниқланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари (масалан, товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришига тўсиқлар қўйиши) мониторинг ва таҳлил қилинди.<br>“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандартини жорий қилиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖда ходимларни ишга қабул қилиш бўйича махсус комиссия – ишчи гуруҳ таркибини “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг буйруғи билан тасдиқланди.<br>Аниқланган монополияга қарши қонунчилик |

| Т.р. | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми ва босқичлари | Бажарилган ишлар |
|---|---|---|---|
| | | | бузилиши ҳолатлари юз берганда Жамиятнинг бошқаруви раисига билдирги тайёрлаб киритиш йўлга қўйилди. |
| **9.** | Монополияга қарши компла-енс тизими фаолияти юзасидан йиллик ҳисоботни тайёрлаш | 1. Ҳар йили монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш, Жамият бошқаруви раисига тақдим этиш.<br>2. Ҳисоботни Жамият расмий веб саҳифасида жойлаштириш.<br>3. Монополияга қарши органга юбориш. | 1. 2023 йилнинг 15 декабрда Жамият бошқаруви раисига Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги йиллик ҳисобот тайёрланди, Жамиятнинг EDO.IJRO.UZ тизимига киритилди.<br>2. Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги йиллик ҳисобот Жамият веб-сайтига жойлаштирилди.<br>3.Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги йиллик ҳисобот Монополияга қарши курашиш қўмитасига юборилди. |
| **10.** | Монополияга қарши курашиш органи билан доимий ахборот алмашунивини амалга ошириш | Монополияга қарши курашиш органи билан электрон почта, телеграмм, веб-сайтлар орқали янги лойиҳа ва таклифлар бўйича ахборот алмашиш. | Коррупцияга ва монополияга қарши курашиш органи билан телефон рақами (+998 97 260-61-27) электрон почта (stopcorruption@uzbekistonmet.uz), телеграмм bot Monopoliyaga qarshi komplaens 02; Korrupsiyaga qarshi kurashish — “Ўзбекистон МЭТ” AJ, https://www.uzbekistonmet.uz расмий веб-сайти ҳамда info@antimon.gov.uz, www.antimon.gov.uz орқали янги лойиҳа ва таклифлар бўйича ахборот алмашишга йўлга қўйилди. |